

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил 18 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Умаров, химоячи А.Қодирқуловларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан айбланган

Мамажонов Абдужаббор Абдурахимович, 1981 йил 16 июнда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, “Dobroya dolina export” МЧЖ ва “Dobroya dolina stroy” МЧЖлар раҳбари, Олтиариқ тумани, “Ёшлик” МФЙ, Тошхирмон кўчаси, 178-уйда яшаган, 2022 йил 6 апрелдан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 1 июнь ва айблов далолатномаси нусхасини 6 июнь кунлари олганга

оид 1-1514-2201/275-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган далилларга ҳар томонлама, тўла ва атрофлича баҳо бериб, тарафлар фикрини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Мамажонов Олтиариқ туманидан 2020 йил 22 майда давлат рўйхатидан ўтган “Dobroya dolina export” МЧЖ ва 2020 йил 20 декабрда давлат рўйхатидан ўтган “Dobroya dolina stroy” МЧЖларни ташкил этиб, ушбу жамиятлар номидан турли хўжалик юритувчи субъектлардан тез сотилувчи, харидоргир маҳсулотларни сотиб олиб, уларни нақд пулга сотиб, савдодан тушган нақд пулларни назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкдаги ҳисоб рақамига топширмасдан, уларни ўзининг бошқа шахсий манфаатлари йўлида сарфлашни, давлат солиқ инспекциясига бериладиган ҳисоботларда тушумни қасддан камайтириб кўрсатиб, бу орқали жамиятга ҳисобланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни режалаштирган.

Хусусан, А.Мамажонов ўзининг таъсисчилиги ва раҳбарлигидаги “Dobroya dolina export” МЧЖ фаолияти юзасидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Олтиариқ тумани бўлимнинг 2022 йил 18 февралдаги 2041-сонли хабарномасини инобатга олмасдан, 2021 йил 14 июль ҳолатига вужудга келган жами 167.048.700 сўм солиқ қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида, жамият фаолиятини қасддан тўхтатиб, фаолиятини “Dobroya dolina stroy” МЧЖда давом эттириб, мазкур жамият ҳисоб-рақамига



2021 йил 14 июлдан кейин келиб тушган жами 2.468.000.000 сўм пул маблағларини “Dobroya dolina export” МЧЖнинг солиқ қарздорлигини сўндириш учун йўналтирмасдан, ушбу маблағларни турли хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб, улардан сотиб олган товарларни нақд пулга сотиб юбориб, шунингдек, солиқ идорасига топширган ҳисоботида солиқ солинадиган базани 91.086.600 сўмга камайтириб кўрсатиб, 3.643.300 сўм солиқларни яшириб, “Dobroya dolina export” МЧЖнинг фаолияти бўйича юзага келган жами 170.692.000 сўм жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, А.Мамажонов жиноий фаолиятини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузиб, банкдан ташқари пул айланмани амалга ошириб, таъсисчилиги ва раҳбарлигидаги “Dobroya dolina stroy” МЧЖ фаолиятида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Олтиариқ тумани бўлимининг 2022 йил 12 февралдаги 184-сонли хабарномасини инобатга олмасдан, МЧЖнинг 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида амалга оширган фаолияти юзасидан солиқ органига тақдим қилган ҳисоботларда товар айланмаси ҳажмини 2.226.500.000 сўмга камайтириб кўрсатиб, 206.500.000 сўм кўшилган қиймат солиғини яшириб, жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, маҳсулотлар сотувидан тушган 2.226.500.000 сўм нақд пулларни назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкдаги ҳисоб-рақамига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Бундан ташқари, А.Мамажонов 2022 йил 5 апрель куни соат 16³⁰ ларда Олтиариқ тумани, Ёшлик кўчаси, 178-уй олдида таниши Муллажонова Гулхумор Ахмаджонова билан ўрталаридаги пул муомаласи юзасидан жанжаллашиб, жанжал давомида А.Мамажонов қўлидаги темир пақир билан Г.Муллажоновни бош қисмига уриб, қасддан баданига енгил шикаст етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 11 апрелдаги 2077-сонли хулосасига кўра, Г.Муллажоновада ёпиқ калла мия шикасти, бош мия чайқалиши, бошини ўнг чакка-тепа юмшоқ тўқималарини лат ейиши, чап тизза бўғимини лат ейиши бўлиб, ушбу тан жароҳатлари соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Судда судланувчи А.Мамажонов айбига қисман иқрорлигини билдириб, 2003 йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, дастлаб “Abduraxim oltin mevalari” хусусий корхонасини ташкил этганлиги, корхонани асосий фаолияти хўл меваларни музлатгичда сақлаш хизматини кўрсатишдан иборат бўлганлиги, 2014 йилда унга тегишли бўлган бошқарув бино ёниб кетгач мазкур корхонани ишлатмай қўйганлиги, кейин



фармацевтика воситалари чакана савдоси билан шуғулланиб, “Oltiariq farm sanoat” МЧЖни ташкил этганлиги, ҳозирда бу жамият ҳам фаолият кўрсатмаслиги, сўнгра ўқув марказини ташкил этиш учун “Universe of intellectual education” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказганлиги, лекин ўқув марказига жой топилмагани сабабли мазкур жамиятни ишини бошламаганлиги, кейин эса “Agro maks oltiariq” фермер хўжалигини ташкил этганлиги, хўжаликка 28,8 гектар ер берилиб, пахта режаси бажарилмаганлиги сабабли фермер хўжалигини топшириб юборганлиги, 2020 йил 22 майда “Dobroya dolina export” МЧЖни ташкил қилганлиги, жамиятнинг асосий фаолияти меваларни экспорт қилиш ва экспортчиларга таъминотчилик қилиш бўлганлиги, жамиятнинг ҳисоб рақами “Универсалбанк”нинг Фарғона филиалида очилганлиги, экспорт фаолиятини амалга оширувчи фирмаларга мева маҳсулотларини етказиб берганлиги, амалга оширган фаолияти юзасидан 2021 йилнинг 2-чораги бўйича солиқ органига ҳисобот топшириб, натижада 167.048.700 сўм солиқдан қарздор бўлиб қолганлиги, ўша пайтда солиқдан бўлган қарздорлигини тўлашга имкони бўлмаганлиги сабабли жамият фаолиятини тўхтатиб қўйганлиги, бундан ташқари, 2020 йил 20 декабрда “Dobroya dolina stroy” МЧЖни ташкил қилганлиги, жамиятнинг асосий фаолият тури дастлаб қурилиш монтаж ишларини амалга оширишдан иборат бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун танлов савдоларига қатнашиш нияти бўлганлиги, жамиятнинг ҳисоб рақами “Капиталбанк”нинг Фарғона филиалида бўлганлиги, кейинчалик жамиятнинг товар айланма ҳажмини кўпайтириш мақсадида савдо фаолияти билан шуғуланиб, жамиятнинг устав фондиди шакллантириш учун мавжуд бўлган қурилиш молларини фирмаларга сотиб, тушган пулларни корпоратив картага ўтказиб, ун маҳсулотларини сотиб олиб, ун маҳсулотларини нақд пулларга сотиб юбориб, сотишдан тушган пулларни бошқа қарзлари учун бериб юборганлиги, Департаментнинг Олтиариқ тумани бўлими томонидан 2022 йил 12 февралда берилган 184-сонли хабарномага эътирози йўқлиги, 2021 йил январь-ноябрь ойлари давомида 206.500.000 сўм миқдорда солиқ тўловлари ҳисобланмасдан ва тўланмасдан қолганлиги, 2.200.000.000 сўмлик товарлар нақд пулга сотилиб, банкка кирим қилинмаганлиги тўғри аниқланганлиги, шунингдек, Департаментнинг Олтиариқ туман бўлими томонидан 2022 йил 18 февралда берилган 2041-сонли хабарномага ҳам эътирози йўқлиги, “Dobroya dolina export” МЧЖнинг фаолияти бўйича 2021 йил 14 июль куни ҳолатига жами 167.100.000 сўм солиқ қарздорлиги тўланмасдан қолганлиги, бу қарздорликни тўламасдан “Dobroya dolina stroy” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан 2021 йил 14 июлдан кейин жами 2.468.000.000 сўм миқдордаги пул маблағларини корпоратив картага чиқариб, ун маҳсулотларини сотиб олиб, унларни нақд пулларга сотиб юбориб, тушган пулларни фуқаролардан бўлган қарзлари учун тўлаганлиги, жамиятларнинг фаолиятини ўзи бошқариб, солиқ органларига тақдим қилинган ҳисоботларни ҳам ўзи тайёрлаганлиги, бундан ташқари, 2022 йил февраль ойида Г.Муллажонова билан танишиб қолиб, пул зарур бўлиб қолгани учун ундан 100 АҚШ доллари ва 400.000 сўм пулларни



олиб, пулларни ўз вақтида бера олмаганлиги, 2022 йил 5 апрель куни соат 16 ларда Г.Муллажонова уйига пулини сўраб келганида, уни уйга таклиф қилиб, ҳозир пулини беришга шароити йўқлигини тушунтирганлиги, лекин Г.Муллажонова уни шаънига турли хил гапларни гапиргани учун жанжаллашиб кетишгани, шунда уни дарвозадан кўчага чиқариб, дарвоза эшигини ёпмоқчи бўлганида, Г.Муллажонова “оёғим” деб бақир-чақир қилиб одамларни ёрдам чақирганлиги, шунда уни овозини ўчириш учун темир пақирда сувни олиб, бошидан қуйиб юборганлиги, уни бошига пақир теккан бўлиши мумкинлиги, лекин унга қасддан жароҳат етказиш мақсадида пақир билан урмаганлиги, Г.Муллажонова хушидан кетиб қолганида, укаси уни шифохонага олиб борганлиги, “Dobroya dolina stroy” бўйича қасддан солиқларни яширмаганлиги ва тўлашдан бўйин товламаганлиги, чунки ўша пайтда моддий томондан имконияти бўлмаганлиги сабабли солиқдан бўлган қарздорликни тўлашга имконияти бўлмаганлиги, “Dobroya dolina stroy” МЧЖ бўйича маҳсулотлар сотувидан тушган 2.226.500.000 сўм пулларни назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкдаги ҳисоб-рақамига топширмаганлиги ҳамда бу жамият бўйича 206.500.000 сўм солиқдан қарздорлик ҳисобланганлиги, ҳозирда солиқ қарздорликларидан 170.000.000 сўмни депозит ҳисоб рақамга тўлаганлиги, қолган солиқдан қарздорликни тўлашга ҳамда Г.Муллажоновани пулларини қайтаришга имконияти йўқлиги, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Мамажоновнинг айби судда қилмишига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан:

жабрланувчи Г.Муллажоновнинг судда, 2022 йил февраль ойида судланувчи А.Мамажонов билан Олтиариқ тумани Давлат хизматлари маркази биносига танишиб қолганлиги, у юк автомашинаси (фура) олаётганлигини айтганлиги, орадан уч-тўрт кун ўтгач А.Мамажонов кўнғироқ қилиб, ҳужжатларини тўғрилаш учун пул керак бўлиб қолгани, шунга 3 кунга қарзга пул бериб туришини сўраганлиги, унга ишониб, 1.450 АҚШ доллари ва 400.000 сўм пул бериб юборганлиги, у 1.500 АҚШ доллари қилиб қайтариб беришни айтганлиги, лекин у пулларни ўз вақтида қайтариб бермагани учун уни уйига бориб, турмуш ўртоғига А.Мамажонов ундан 1.450 АҚШ доллари ва 400.000 сўм қарзи борлиги, пулларни бермасдан юрганлигини айтганлиги, бу гапларни ҳудуд профилактика инспектори Қурвонали ҳам эшитиб турганлиги, 2022 йил 5 апрель куни соат 16 ларда А.Мамажоновни уйига бориб, эшигини тақиллатганида ҳеч ким чиқмаганлиги, қайтиб кетаётиб йўлда А.Мамажоновни кўриб қолганлиги, у билан яхши гаплашиб, уни уйига келишганлиги, ундан пулларни беришини сўраб, жаҳл устида унга қаттиқ гапириб юборгани, шунда А.Мамажонов ҳам унга гап қайтариб, ўзини босиб олиши, ёлғиз келгани, пичоқ билан сўйиб юборишини айтиб кўрқитиб, ошхона томонга юргани, шунда уйдан чиқиб дарвоза томонга югурганлиги, А.Мамажонов орқасидан келиб ушлаб олганида дарвозадан чиқаётиб оёғи қисилиб қолгани учун “дод” деб



бақирганлиги, кўчага чиқиб одамларни ёрдамга чақирганлиги, шу пайт А.Мамажонов бўйнидан ушлаб, уйини олдидан ўтган сувли ариққа бошини тикқанлиги ва бетонга итариб юборганлиги, натижада бетонга суялиб, орқа боши билан бетонга урилганлиги, сўнг А.Мамажонов уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, уйдан темир пақир олиб чиқиб, унга кетма-кет сув сепиб, темир пақир билан дуч келган жойларига уриб, сўйиб ташлашини айтиб уйига кириб кетганлиги, шу вақтда бир аёл киши ва велосипедда бир эркак киши келиб, эркак киши А.Мамажоновни кўлидаги нарсани олиб қўйганлиги, аёл киши эса уни урмоқчи бўлиб келаётганида унга яқинлаштирмаганлиги, кейин хушидан кетиб қолиб, шифохонада хушига келганлиги, А.Мамажоновдан 1.500 АҚШ долларини ундириб, қонуний чора кўришни сўрашлиги ҳақидаги;

фуқаровий даъвогар А.Юлдашевнинг судда, Олтиариқ туман ДСИ камерал солиқ текширувлари бош инспектори лавозимида ишлашлиги, “Dobroya dolina export” МЧЖнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текширишда жамиятнинг 2021 йил биринчи ярим йиллик фаолияти учун тақдим қилинган айланмадан (ягона) солиқ ҳисоботида даромадни қисмини яширмаган бўлса-да, солиқ солинадиган базани 91.080.600 сўмга камайтириб кўрсатганлиги аниқланиб, бюджетга қўшимча тўлаш учун 3.643.300 сўм ҳисобланганлиги, жамият раҳбари А.Мамажонов 2021 йил 14 июль ҳолатига вужудга келган 167.100.000 сўм солиқ қарздорлигини тўламаслик мақсадида, жамият фаолиятини қасддан тўхтатиб, ўзи раҳбарлик қилган “Dobroya dolina stroy” МЧЖда фаолиятини давом эттириб, мазкур жамият ҳисоб-рақамига 2021 йил 14 июлдан кейин келиб тушган 2.468.000.000 сўм пул маблағларини “Dobroya dolina export” МЧЖнинг солиқ қарздорлигини сўндириш учун йўналтирмасдан, ушбу маблағларни турли хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб, улардан сотиб олган товарларни нақд пулга сотиб, “Dobroya dolina export” МЧЖнинг фаолияти бўйича юзага келган жами 167.100.000 сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги аниқланганлиги, бундан ташқари, “Dobroya dolina stroy” МЧЖнинг 2020-2021 йилларнинг ўтган даври молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текширишда солиқ органларига 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври учун тақдим қилинган ҳисоботларида солиқ солиш базаси 1.686.935.200 сўмга камайтириб кўрсатилганлиги аниқланиб, қўшимча қиймат солиғига жами 253.040.300 сўм қўшимча тўлашга ҳисобланганлиги, жамият фаолияти юзасидан Фарғона вилоят ДСБнинг тегишли буйруқлари асосида ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижаси бўйича ШХВга ҚҚС бўйича жами 253.040.300 сўм инobatга олинганида, ШХВга ҚҚС бўйича 46.552.100 сўм ортиқча киритилганлиги аниқланганлиги, ДСБнинг буйруқларига асосан жамиятнинг 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври давомидаги фаолияти юзасидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижаси бўйича ШХВга 290.999.999 сўм фойда солиғи қўшимча киритилганлиги, текширув натижасида жамият ШХВсига 290.999.999 сўм ортиқча киритилганлиги аниқланганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Фискал



хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарори талаблари зид равишда, пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 2.226.500.000 сўмлик маҳсулотлар нақд пулга сотилиб, сотувдан тушган нақд пуллар назорат-касса машинасига кирим қилинмасдан, банкка савдо тушуми сифатида топширилмаганлиги аниқланганлиги, юқоридаги ҳолатларга кўра А.Мамажонов “Dobroya dolina export” МЧЖнинг фаолияти бўйича 170.692.000 сўм ва “Dobroya dolina stroy” МЧЖ фаолияти бўйича 206.500.000 сўм, жами 377.192.000 сўм жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлиги, ҳозирда А.Мамажонов солиқ қарздорликларидан 170.000.000 сўмни депозит ҳисоб рақамга тўлаб, қолган солиқдан қарздорликни тўламаганлиги, шу сабабли 170.000.000 сўмни ДСИга ўтказиб, ундан қолган солиқ қарздорликларини ДСИга ундиришни сўрашлиги ҳақидаги;

гувоҳ Ж.Набиевнинг судда, Фарғона вилоят ДСБ камерал солиқ текширувлари шўъбаси катта инспектори лавозимида ишлашлиги, ҳақиқатдан ҳам ДСБнинг 2021 йил 30 ноябрдаги буйруғига асосан Олтиариқ туманидан давлат рўйхатидан ўтган “Dobroya dolina stroy” МЧЖнинг 2021 йилнинг январь-февраль ойларида амалга оширган фаолияти бўйича камерал солиқ текшируви ўтказганлиги, 1 декабрь куни жамиятнинг шахсий кабинетига сўровнома юборганлиги, лекин жамият мансабдор шахслари томонидан ҳеч қандай ҳужжатлар тақдим қилинмаганлигидан сўнг электрон ҳужжатлар асосида камерал текширув ўтказилиб, жамият томонидан текшириш ўтказилган даврда 253.043.500 сўм ҚҚС ва 290.999.999 сўм фойда солиғи ҳисобланмасдан ва тўланмасдан қолганлиги аниқланганлиги, яъни жамият раҳбари томонидан 2.151.900.000 сўмлик ун маҳсулотлари сотиб олинган бўлса-да, 1.939.900.000 сўмлик турли хилдаги қурилиш моллари ва кийим-кечаклар сотилганлиги, текшириш ўтказилган даврда жами 4.091.900.000 сўмлик товарлар айланмаси амалга оширган бўлса-да, 2021 йил 24 декабрь кунига қадар 2021 йил ноябрь ойи учун ҚҚС ҳисоботини топширмаганлиги, лекин текширишда 1.939.900.000 сўмлик маҳсулотларни сотганлиги бўйича ҳисоб-варақ фактураларни расмийлаштирганлиги учун ушбу миқдорни солиқ ҳисоботидаги товар айланма сифатида қабул қилганлиги, шундан сўнг 2021 йил 15 декабр куни жамият раҳбарига 253.043.500 сўм ҚҚС ва 290.999.999 сўм фойда солиғини ҳисоботларда акс эттириши ва тўлаши бўйича 20/1-70250-сонли талабномани юборганлиги, лекин жамият мансабдор шахслари томонидан талабномага асосан қайта ҳисобот ва асослантирилган ҳужжатлар тақдим қилинмаганлиги, текшириш ўтказган пайтда жамиятнинг товар-моддий бойликлари қолдиғи мавжуд бўлмаганлиги, шунингдек, жамият раҳбари А.Мамажонов унга жамият фаолиятини ўзи юритмаганлиги, амалга оширилган фаолият бўйича хабари бўлмаганлигини айтганлиги ва унга ҳужжат тақдим этмаганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Ш.Шерматовнинг судда, АТ “Капиталбанк” Фарғона филиали бош ҳисобчиси ўринбосари лавозимида ишлаганлиги, Олтиариқ туманидан давлат рўйхатидан ўтган “Dobroya Dolina Stroy” МЧЖнинг ҳисоб рақамлари



2020 йил 17 июлда банкда очилганлиги, жамият раҳбари А.Мамажонов шахсан банкка келиб, ҳисоб рақам очиш учун аризани тақдим қилганлиги, аризага эътирозлар йўқлиги ҳақидаги белги қўйиб берганлиги, А.Мамажонов аризани олиб чиқиб кетиб, орадан бир неча соат вақт ўтгач жамиятнинг юридик йиғма жилдини олиб келганлиги, ҳужжатларни кўриб қабул қилиб олиб, унга банкдан ҳисоб рақамларини очиб берганлиги, миждоз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамига кўчиришни “мобил банк” дастури орқали амалга оширганлиги, миждоз 2021 йил 20 январда банкдаги ҳисоб рақамларини “Алоқабанк”нинг Олтиариқ комплекс хизматлар кўрсатиш марказига олиб чиқиб кетганлиги, шунингдек, 2021 йил 14 октябрь куни А.Мамажоновнинг аризасига асосан банкда “Dobroya dolina stroy” МЧЖнинг ҳисоб рақами ва корпоратив карта ҳисоб рақамини очиб берганлиги, миждоз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамига кўчиришни “мобил банк” дастури орқали амалга оширганлиги, А.Мамажонов мазкур жамият бўйича ҳисоб рақамларида 2.468.000.000 сўм айланмаларни амалга оширганлиги, жамият фаолиятида 3-4 мартаба катта миқдордаги пул маблағлари келиб тушганлиги сабабли, мазкур маълумотни ички назорат ходимида тақдим этганлиги, ички назорат ходимлари томонидан уни ҳисоб рақамини вақтинчалик тўхтатиш бўйича чеклов қўйилганлиги, кейин бу жамият ўз фаолиятини тўхтатганлиги, иккала жамиятларни ҳам тўлов терминалари мавжуд бўлмаганлиги ҳақидаги;

гувоҳ А.Абдурахимовнинг судда, Фарғона вилоят ДСБ солиқ аудит шўъбаси давлат солиқ бош инспектори лавозимида ишлашлиги, “Dobroya dolina export” МЧЖнинг 2020 май ойидан 2022 йил 1 январгача молия-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилганлиги, жамият Низомида жамиятнинг таъсисчиси А.Мамажонов кўрсатилганлиги, жамиятнинг текшириш кунига шахсий варақасида 167.402.900 сўм асосий солиқдан қарзи, 22.840.700 сўм пенядан қарзи ва 56.600 сўм ортиқча тўлови мавжуд бўлганлиги, текшириш солиқ тўловчини ҳисоб-варақ фактураларнинг ягона электрон базасидаги маълумотлари ва банк маълумотлари асосида ўтказилганлиги, жамиятнинг 2021 йил биринчи ярим йиллик фаолияти учун тақдим қилинган айланмадан (ягона) солиқ ҳисоботида даромадни қисмини яширмаган бўлса-да, солиқ солинадиган базани 91.080.600 сўмга камайтириб кўрсатганлиги аниқланиб, бюджетга қўшимча тўлашга 3.643.300 сўм ҳисобланганлиги, жамият 2021 йил 14 июль ҳолатига вужудга келган жами 167.100.000 сўм солиқ қарздорлигини тўламаслик мақсадида, фаолиятини тўхтатиб қўйиб, ўзининг фаолиятини бошқа раҳбарлигидаги “Dobroya dolina stroy” МЧЖда давом эттириб, мазкур жамият ҳисоб-рақамига 2021 йил 14 июлдан кейин келиб тушган жами 2.468.000.000 сўм пул маблағларини “Dobroya dolina export” МЧЖнинг солиқ қарздорлигини сўндириш учун йўналтирмасдан, ушбу маблағларни турли хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб, улардан товарлар сотиб олиб, сўнг товарларни нақд пулга сотиб юбориб, “Dobroya dolina export” МЧЖ фаолияти бўйича 167.100.000 сўм солиқ тўловларини



тўлашдан бўйин товлаганлиги аниқланганлиги, жамият фаолияти савдо-сотик, улгуржи ва чакана савдо ҳамда турли воситачилик билан шуғулланиш ҳисобланганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Н.Камоловнинг судда, Фарғона вилоят ДСБ солиқ аудит шўъбаси давлат солиқ бош инспектори лавозимида ишлашлиги, “Dobroya dolina stroy” МЧЖнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилганлиги, жамият Низомида жамиятнинг таъсисчиси А.Мамажонов кўрсатилганлиги, текширишда жамият мансабдор шахслари томонидан солиқ органларига жамиятнинг 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври учун тақдим қилинган ҳисоботларида солиқ солиш базаси 1.686.935.200 сўмга камайтириб кўрсатилганлиги аниқланиб, бюджетга 253.040.300 сўм ҚҚС қўшимча тўлашга ҳисобланганлиги, жамиятнинг фаолияти юзасидан Фарғона вилоят ДСБнинг тегишли бўйруқларига асосан ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижаси бўйича ШХВга ҚҚС бўйича 253.040.300 сўм инобатга олинганда, ШХВга ҚҚС бўйича 46.552.100 сўм ортикча киритилганлиги аниқланганлиги, ДСБнинг бўйруқларига асосан жамиятнинг 2020 йил ҳамда 2021 йилнинг даври давомидаги фаолияти юзасидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижаси бўйича ШХВга 290.999.900 сўм фойда солиғига қўшимча киритилганлиги, текшириш натижасида жамият ШХВсига 290.999.900 сўм ортикча киритилганлиги аниқланганлиги, текширишда жамият раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Давлат солиқ хизмати органларида фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги 306-сонли қарори талабларига зид равишда 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври давомида пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 2.226.500.000 сўмлик маҳсулотлар нақд пулга сотилиб, сотишдан тушган нақд пул маблағлари назорат касса машинасига кирим қилинмасдан, банкка савдо тушуми сифатида топширилмагани аниқланганлиги, жамиятга нисбатан Солиқ Кодексининг 221-моддасига асосан молиявий жарима қўлланилганлиги, текшириш пайтда жамиятнинг товар-моддий бойликлари қолдиғи мавжуд бўлмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, ишдаги гувоҳлар С.Солиева, С.Тўлқинжонов, Х.Ортиқова ва бошқаларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ҳужжатли тафтиш якуни бўйича тузилган далолатномалар ва унга илова қилинган ҳужжатлар, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Мамажоновнинг жабрланувчи Г.Муллажоновани қасддан баданига енгил шикаст етказганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан, жуда кўп миқдордаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида” қарорининг 2-бандида, ЖКнинг 184-моддаси биринчи қисми диспозициясига мувофиқ солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш тушунилиши лозимлиги;

фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш - бу давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузиш, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда ифодаланиши;

солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмаслик ёки солиқ ҳисоботи тақдим этилганидан сўнг содир этилган, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сунъий равишда вужудга келтиришга қаратилган қилмишларда ифодаланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, А.Мамажонов таъсисчилиги ва раҳбарлигидаги “Dobroya dolina export” МЧЖ фаолияти юзасидан 2021 йил 14 июль ҳолатига вужудга келган жами 167.048.700 сўм солиқ қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сунъий равишда вужудга келтириб, жамият фаолиятини қасддан тўхтатиб, фаолиятини “Dobroya dolina stroy” МЧЖда давом эттириб, мазкур жамият ҳисоб-рақамига 2021 йил 14 июлдан кейин келиб тушган жами 2.468.000.000 сўм пул маблағларини “Dobroya dolina export” МЧЖнинг солиқ қарздорлигини сўндириш учун йўналтирмасдан, ушбу маблағларни турли хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб, сотиб олган товарларни нақд пулга сотиб юборган ҳамда солиқ идорасига топширган



ҳисоботида солиқ солинадиган базани 91.086.600 сўмга камайтириб кўрсатиб, 3.643.300 сўм солиқларни яшириб, “Dobroya dolina export” МЧЖнинг фаолияти бўйича юзага келган жами 170.692.000 сўм жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Шунингдек, таъсисчилиги ва раҳбарлигидаги “Dobroya dolina stroy” МЧЖнинг 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида амалга оширган фаолияти юзасидан солиқ органига тақдим қилган ҳисоботларда товар айланмаси ҳажмини 2.226.500.000 сўмга камайтириб кўрсатиб, 206.500.000 сўм кўшилган қиймат солиғини яшириб, жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, маҳсулотлар сотувидан тушган 2.226.500.000 сўм нақд пулларни назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкдаги ҳисоб-рақамига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Шу сабабли, суд судланувчи А.Мамажоновнинг солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товламаганлиги ҳақидаги важи ва ҳимоячининг А.Мамажоновни қилмишида солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли, айбидан ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмини чиқариш ҳақидаги илтимоси билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи А.Мамажоновга жазо тайинлашда, унинг шахси, оилавий шароити, судланмаганлиги, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар қисман қопланганлиги ва жабрланувчининг қонуний чора кўриш ҳақидаги талабини инобатга олиб, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, моддий зарарни қоплаш учун Фарғона вилоят прокуратурасининг АТИБ “Ипотекабанк” Фарғона вилоят филиалидаги



депозит ҳисоб рақамига тўланган 170.000.000 сўм пул маблағларини Олтиариқ туман ДСИга ўтказишни;

судланувчи А.Мамажоновдан Олтиариқ туман ДСИ фойдасига 207.192.000 сўм моддий зарарни ундиришни;

жабрланувчи Г.Муллажоновга келгусида моддий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаровий даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 456-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Мамажонов Абдужаббор Абдурахимович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Мамажоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 6 апрелдан бошлаб ҳисобланиб, жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

А.Мамажоновга қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 170.000.000 сўм пул маблағлари Олтиариқ туман ДСИга ўтказилсин.

Судланувчи А.Мамажоновдан 207.192.000 сўм моддий зарар Олтиариқ туман ДСИга ундирилсин.

Жабрланувчи Г.Муллажоновга келгусида моддий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаровий даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция шикояти ва протести беришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Б.Эргашев



Ҳукмнинг кўчирма нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Маъсул судья: Эргашев Бехзод Хурсанович

Б.Эргашев



Ҳужжат имзоланган: Эргашев Бехзод Хурсанович, 18.10.2022

